

ҚҮШМА ЖАРОХАТЛАРДА БОШ МИЯ СТРУКТУРАСИДАГИ ҮЗГАРИШЛАРИНИНГ ТАНАТОГЕНЕТИК АХАМИЯТИ

Болтаев Н.

*Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали
Патологик анатомия бўлими*

Доларблиги: тумтоқ воситалардан шикастланиш холатларида, шу жумладан қўшма ёки кўп сонли жароҳатларда шикастланишларнинг юзага келиш муддатини аниқлаш масаласи замоннавий суд тиббиётида хозиргача долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу холат аъзо ва тўқималарнинг умумий ва маҳаллий жавоб реакциясининг динамикаси ва ривожланиш даражаларига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир қилувчи омилларнинг жуда хилма-хиллиги билан изохланади.

Ишнинг мақсади: бош мия тузилмаларидағи үзгаришларининг морфологик жихатини ўрганиш асосида экстроцеребрал қўшма жароҳатларнинг турли даврларида вафот этган шахсларда жароҳатлар етказилиш муддатини аниқлаш.
Тадқиқот натижаси: бош мия тузилмалари жароҳатисиз кечган 313 та қўшма ва кўп сонли жароҳатлар оқибатида вафот этган шахслар мурдалари текширилди. Бундай жароҳатланишларни “экстроцеребрал қўшма жароҳат” деб белгиладик.

Шулардан 57 та холатда тадқиқот бизнинг иштирокимизда ўтказилди. Қўшма ва кўп сонли жароҳатлардан ўлим турларини танлашда қўшма ва кўп сонли жароҳатланишларнинг анатомо-клиник таснифига асосландик: кўкрак қафаси ва қорин аъзолари қўшма шикастлари (56,8%); кейин эса-умуртқа-орқа мия шикастларининг кўкрак ва қорин аъзолари билан биргаликдаги шикастланишлари (20,4%); хамда кўкрак-қорин аъзолари ва оёқ-кўллар билан биргаликдаги шикастланиш (13,7%) лардан иборат бўлди. Бошқа турдаги экстроцеребрал қўшма жароҳатлар, травмаларнинг 4,1% ва 4,7% ни ташкил этди.

Қўшма ва кўп сонли жароҳатлардан вафот этганларнинг 75,0% ни эркаклар ва қолган 25,0% ни аёллар ташкил этди; Уларнинг 43,7% ни 18-60 ёшдаги шахслардан иборат бўлди.

Хуноса: томирларнинг қон билан таъминланиш даражаси сақланиб қолган холларда, нерв тўқималари ва қон томирларининг травматик касаллик

танатогенезида иштирок этиш даражаси тахминан бир хил бўлади. Камқонликда эса, травматик касаллик давомийлиги чўзилиши билан ПЦБ кўрсатгичларининг ПВБ кўрсаткичидан устунлиги кузатилади.

Шу муносабат билан, камқонли томирларнинг ўртacha хажм зичлиги (ЎҲЗ), экстроцеребрал қўшма ва кўп сонли жароҳатлар натижасида келиб чиққан травматик касалликларнинг давомийлиги ортган сайин, ишончли даражада ошади.